
ҚУВАСОЙДА ТИКУВ-ТРИКОТАЖ СОҲАСИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Қувасой шаҳридаги ўрганишлари давомида Соё бўйи МФЙда жойлашган “Ellycardin textile” хорижий корхонасида ҳам бўлди.

Мазкур корхона 2023 йилда фаолият бошлаган. 70 турдан зиёд “VIEN POLO” бренди асосида аёллар рўмоли ва шарфи ишлаб чиқарилмоқда. Хотин-қизлар учун 100 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилган.

Корхонада ишчи-ҳодимларнинг яхши ишлашлари учун барча шароитлар яратиб берилган, уларнинг ишга келиб-кетишлари учун махсус транспорт воситалари фаолияти йўлга қўйилган. Корхонада учта – тикувчилик, қадоқлаш ҳамда тозалов бўлимлари фаолият олиб бормоқда.

Бу ерда тайёрланган маҳсулотлар асосан хорижга экспорт қилинади. Ўтган 2023 йилда 200 минг долларлик экспорт йўлга қўйилган бўлса, бу йил 1 миллион долларлик экспорт қилиш режалаштирилган.

Вилоят ҳокимига келгусида корхона фаолияти кенгайтирилиб, экспорт ҳажми бундан юқори босқичга олиб чиқилиши ҳамда иш ўринлари сонини янада ошириш борасида аниқ режалар асосида иш олиб бораётганлиги ҳақида маълумот берилди.